

Нодира (тахаллуси; исми Мохларойим) (1792, Андижон —1842, Кўкон) — шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби. «Комила» ва «Макнуна» тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон хокими Рахмонкулбий — минг кабиласидан, Фаргона хукмдори Олимхоннинг тоғаси. Олимхон укаси Умархонга Маргилон хокимлигини беради ва уни 1807 йилда Нодирага уйлантиради. Нодира шу хонадонда шеър ёзишни машқ килади, шоира Увайсий билан танишади, уни муаллима сифатида саройга таклиф этади. Нодиранинг турмуш йўлдоши Амир Умархон ҳам Амирий тахаллусида ижод килган.

1822 йилда Умархон вафот этиб, унинг ўгли, 14 ёшли Мухаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга кўтарилди. Лекин давлатни, асосан, Нодиранинг ўзи идора килди. У маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди. Нодиранинг замондоши кози Абдунаби Хотифнинг тамомланмай колган воқеабанд достонида Нодиранинг хаёти ва ижтимоий фаолияти ишонарли далиллар билан кўрсатиб берилган: «Асар ёзишдан мақсадим Нодиранинг окила, фахмли, илм ва сўзнинг кадрига етадиган донишманд аёл эканлигини кўрсатишдир... Умархон вафотидан сўнг бу ифбат садафининг инжуси кунларни хасрату фирок билан шу тарика ўтишини ношукурлик деб билди. У гулистондек Чахорчаман боғига бориб, Фаргона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматиغا чакиртириб келди». Нодира бир неча китобларни кўчиртирди ва шоирларни янги-янги асарлар ёзишга ташвиқ килди. Шоира девонларнинг чиройли ёзилиши, муковасининг безатилишини ўзи шахсан кўздан кечириб турган. У яхши ишлаган котибларга тилла калам, кумуш каламдон бериб, уларни «Заррин калам»лик мансабига кўтарган. Нодира бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига эътибор берган. Гўристон калондаги Мадрасаи Чалпак, Такагарлик растасидаги Мохларойим мадрасасини бино эттирган. Бухоро амири Насрулло 1842 йилда Кўконга бостириб кириб, Маъдалихонни, укаси Султон Махмудхонни, 14 яшар ўгли Мухаммад Аминхонни ва Нодирани фожиали равишда ўлдирди.

Нодиранинг адабий мероси ўз гоёвий-бадий ахамияти нуктаи назаридан мумтоз шеъриятнинг гўзал намуналаридандир. Унинг тўла бўлмаган ўзбекча девони Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институти фондида сакланади (инв.№ 4132). Девонга Нодиранинг 109 (ёки 1704 мисра) газали киритилган. Нодиранинг ўзи ёзган дебочада таржимаи холига оид баъзи муҳим маълумотлар берилган. 19-асрда кўчирилган, хозир Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих музейи архивида сакланаётган девонда Нодиранинг «Комила» тахаллуси билан ёзган 19 (328 мисра) газали борлиги аниқланган. 1962 йилда Наманганда шоиранинг мукамал девони топилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида сакланаётган (инв. № 313) бу девон шоиранинг меросини тўлиқ камраб олган, дейиш мумкин. Бунда шоира ёзган дебоча мукамал берилган. Девонда шоиранинг «Нодира» тахаллуси билан ёзган 180 шеъри жамланган (шулардан 136 таси ўзбек тилида, 44 таси тожик тилида). Жумладан, 11 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржиъбанд, 1 таркиббанд ва 1 фирокнома ҳам бор. Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институти фондида Нодиранинг «Макнуна» тахаллуси билан ёзилган, 333 газалдан иборат бир девони мавжуд (инв. № 7766). Бугунги кунда биз Нодиранинг ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган 10 минг мисрага яқин лирик меросига эгамиз.

Нодира шеъриятининг асосини лирика ташкил этади. Нодира мухаббат, садокат ва вафо куйчисидир. У гўзаллик ва садокатни, Шарк хотин-кизларининг дард-аламлари, оху фиғонларини куйлади. Шоира ўзини ишк ойнаси деб атар экан, бу ойнада инсоннинг хаётга умид билан караши, эзгу истаклари ва орзуси акс этган. У мухаббат Аллох томонидан инсонлар калбига солинган мангу ёгду эканлигини куйлади:

Мухаббатсиз киши одам эмасдур,

Гар одамсан, мухаббат ихтиёр эт!

Нодиранинг мухаббат тушунчаси чуқур ижтимоий мазмун касб этади. Мухаббат шахсий туйғулар доирасидан юкори кўтарилиб, одамийликни чуқур идрок килиш воситасига айлантирилади. Нодира инсоннинг энг юксак фазилати вафодорликда деб билади. Шоиранинг форс-тожик тилидаги мебош радифли газалида вафо мавзуи кенг доирада каламга олинади.

Шоира химмат, сабр, каноат, номус, хаё каби хислатларни маърифат, яъни Худо васлига эришишни яқинлаштирувчи манзиллар сифатида кайд этади, одам ана шу шарафли хислатларни ўз рухига мукамал сингдириб олиши ва уни собиткадамлик билан кўнгил ганжинасида асрамогини образли килиб тасвирлайди. Одамзод шу сифатлардан махрум бўлар экан, у риё йўлига кириб кетади.

Нодира ўз ижодида дунёвийлик билан бир каторда тасаввуфнинг накшбандия йўналишига асосланган бир бутунлик оркали инсоннинг жамият ва табиатга муносабатини ҳам, илохий мухаббат йўлидаги рухий дунёсини ҳам жуда гўзал ва жонли мисраларда ифодалаб беради. Нодира шеърларида ислом рухи, тасаввуф таълими ва хаёт фалсафасини чуқур идрок этган холда хаётга ҳамма вақт умидбахш нигоҳ билан карайди ва ундан яхшилик уругини кидиради. Нодира саройда яшаса ҳам, ўзини маънавий жихатдан бахтиёр хисоблай олмас эди.

Шунинг учун ҳам у газалларидан бирида: «Мени салтанат маснадида кўриб, гумон этманг айшу фарогат билан», дейди.

Нодира олимлар, шоирлар, айникса, шоираларни ўз химоясига олган. Шоира ўз девонларининг «хамнишин олима афифалар, фозила хамсухбат шарифаларнинг маслахатлари ва ташаббусларига кўра жамлангани»ни ўзбекча девонига ёзган сўзбошисида кайд этиб ўтади.

Нодира мумтоз шеъриятнинг мавжуд ҳамма жанрларида калам тебратди. Унинг ўзбекча ва форсийча-тожикча газаллари арузнинг турли вазнларида 5, 7, 9, 13, хатто 18 байтли хажмда яратилган. Шоира газалларининг асосий кисми 7—9 байтлидир. Нодира мумтоз адабиёт анъаналарини кунт ва ихлос билан давом эттирган. Навоий, Фузулий, Бедил газалларига мухаммаслар болаган. Нодира ўз газалларида кўпроқ «мукаррар» (сўзнинг такрорланиб келиши) ва «кўш мукаррар» усулларида фойдаланган. Асарларида талмех, мажоз, ташбех, истиора, тазод, тадриж, ташхис, инток каби бадий воситалар махорат билан кўлланган.

Нодира форс-тожик тилида ҳам гўзал, таъсирчан шеърлар ёзган. Улар ҳам мазмун ва бадий махорат жихатдан ўзбек тилидаги газалларидек юксак даражада ёзилган бўлиб, шоира ижодини яна ҳам кенг ва тўларок ўрганишда мухим роль ўйнайди.

Нодира ижодига бўлган кизикиш шоира хаётлик давридаёқ бошланган. Машхур шоира Дилшод (1800—1905) Нодирага махсус газаллар багишлаб, уни «илм-адаб ва назм осмонининг юлдузи, ушшоклари газалхони, шакар сочувчи булбул» деб таърифлайди.

Нодира газалларига жуда кўп шоирлар назиралар ёзганлар, мухаммас болаганлар. Ўзбек адабиётида ва сахнада Нодиранинг бадий образи яратилди. Х. Раззоковнинг

«Нодира», Туроб Тўланинг «Нодирабегим» мусикали драмалари сахналаштирилди. Комил Ёрматов ва М. Мелькумовларнинг сценарийси асосида «Нодирабегим» фильми яратилди. Шоира асарлари рус ва бошка чет тилларга таржима килинган. Фазаллари ўзбек макомлари ва халк куйларига солинган. Ўзбекистоннинг шаҳар ва кишлокларида кўплаб кўчалар, кинотеатр, мактаб ва кутубхоналар Нодира номи билан юритилади.
Махбуба Кодирова.

ГАЗАЛЛАР

Жилва кўрсатди чу ул сарви дилоро бог аро,
Чашми кумри бўлди бир чашми тамошо бог аро.

Сурмагун чашми назар солди гулистон ахлина,
Хасратидин колди наргис кўзи шахло бог аро.

Орази гулгун ила килди чаман сори хиром,
Гул яқосин чок айлаб бўлди расво бог аро.

Сарви гулрухсорим ила базми ишрат деб баҳор,
Сарви бирла гулдин этди жоми мийно бог аро.

Лола янглиг дог бўлди гул жамоли рашкдин,
Доглик гуллардин ўлди сайри сахро бог аро.

Нахли кадди хижлатидин бўлди сув сарви равон.
Айлади фавворалар жорий саропо бог аро.

Сайр учун кўйгай кадам деб сабзаи хобидадин,
Хар тараф бир фарши махмалдур мухайё бог аро

Кўрди ул сарви дилоро комати мавзунини,
Сарв каддин килди кумрилар таманно бог аро.

Сен бу кун хандонсан, эй гул, Нодира дилдорсиз,
Йигламокдиндур булутлардек мухайё бог аро.

* * *

Сунма май, эй сокии даврон, манго
Ким, насиб ўлмиш азалдин кон манго.

Ёр жавридин шикоят килмазам-
Ким, эрур бир важхи истихсон манго.

Нола бир дилсўз ёримдур менинг,

Хамнишиндур дийдаи гирён манго.

Мушкил ишдур дарди хижрон кулфати,
Ё раб, ул мушкилни кил осон манго.

Дашту сахроларни килдим ихтиёр,
Бўлди Мажнун киссаси бурхон манго.

Ох, найлай ўтти даврони висол,
Бевафолик айлади даврон манго.

Мунтазирдурман хамиша Нодира,
Бир киё боккайму деб жонон манго.

* * *

Сокиё, хажр давосини демишлар майи ноб,
Тутакўр майкадада кайгулук ошикка шароб.

Ишк дардига гирифтор бўлубман, на килай,
Зохида, маига насихат била еткурма азоб.

Ёр лаълини фирокида хуморим голиб,
Бўлмади нашъаи сахбо била кўнглум шодоб.

Бўлгай эрди кадаминг тупроги бирла равшап,
Гар кўзум халкалари бўлса самандингга рикоб.

Эгма кошингни хама бўлголи эл саждагахи,
Каъба деворида хайрат ила колмиш мехроб.

Сархуш ўлгон каби хуноби жигардин ошик,
Нашъаи бода килур хусн элидин рафъи хижоб

Ашки гулгуним эрур бодаи лаълинг асари,
Рухпарвардур анинг ройихаси мисли гулоб.

Букун ул мохлико шўхи дилором кани,
Юзидин равшан эди дийдаи жони ахбоб.

Мастлиг бирла гама ёр фаромуш ўлмас,
Нодира, бўлмади дардимни давоси майи ноб.

* * *

Тахаммул хаддин ошти, эмди афгон этмасам бўлмас,

Улусни хоџири жамъин паришон этмасам бўлмас.

Гирибон чок, багрим порадури, бошимда юз савдо,
Бу холат бирла азми кўйи жонон этмасам бўлмас.

Мухаббат кўйида ночордури ошикка хайронлиги,
Тахайюри кул килиб ойина осмон этмасам бўлмас.

Гараз ийди висолингдури кўнгулга, эй хилол абру,
Юзингни ойига жонимни курбон этмасам бўлмас.

Бу окшом солди зулмат олами хижрон каро шоми,
Килиб ёдингни ашкимдин чарогон этмасам бўлмас.

Мени ошик дебон тийри маломат ёгди бошимга,
Улусдин, Нодира, дардимни пинхон этмасам бўлмас.

* * *

Кўзларим муштоқдури дийдор учун рухсора оч,
Пардани юздин, кўзим килгунча бир наззора оч.

Пардаи нозу хаё хомуш лаълингдин кўтар,
Икки гул баргини бир-бирдан гахи гуфтора оч.

Бесутун тогида кўп жон чекмагил, эй Кўхкан,
Кўкрагимдин жўе шир ўрнига ўтлуг ёра оч.

Эй кўнгул, дуди фигонингдин кавокиб тийрадури,
Ох кўп чекма, хижоби собиту сайёра оч.

Шавк комил бўлса, махлас кўчаси масдуд эмас,
Эй шарар, бир жазба бирла рохи санги хора оч.

Мунча пинхон догким, эй жон, фалак кўйди санга,
Ёр агар келса гирибонингни айлаб пора, оч.

Нодира, охи дилу шўри жунун барпой кил,
Ушбу лашкар бирла олам мулкани якбора оч.

* * *

Агар бўлса кишини ёри фаррух,
Муборақдури юзи, дийдори фаррух.

Кани ул ёрдек ширин шамойил,

Жамоли дилкашу атвори фаррух.

Менинг ёрим парилар шохи эрди,
Лаби шахду шакар, гуфтори фаррух.

Нихоли комати сарви хиромон,
Юзи гул, лаъли шаккарбори фуррух.

Эрур майхона файзи майманатлиг,
Лабо-лаб согари саршори фаррух.

Манга зохид юзидур номуборак,
Ва лекин жуббау дастори фаррух.

Бўлубдур Нодира мумтози маъний,
Каломи равшану ашъори фаррух.

* * *

Манга ул сарв кад пайгомин, эй боди сабо, келтур,
Губори макдамин кўзларимга тўтиё келтур.

Вафо конунидин савту тараннум айла, эй мутриб,
Ба ёди дўстон ушшок базмида наво келтур.

Сабо сорига гар тушса гузоринг ногах, эй худхуд,
Сулаймон сори Билкис кўйидин бир мархабо келтур.

Бўлубдур рўзгорим шоми гам дайжуридек тийра,
Манга, эй меҳри тобон, муждаи субҳи сафо келтур.

Эрур тожи мурассаъ боиси дарди сар, эй Мажнун,
Паришон мўйи сардин шонаи боли хумо келтур.

Кўнгул кўзгусини, эй Нодира, ишк ичра равшан кил,
Мухаббат догидин ойинаи гетинамо келтур.

* * *

Жахон богида, эй хуру паризод,
Хижилдур коматингдин сарву шамшод.

Тагофул бирла кон тўкмак фанида,
Кўзинг шогирди шўху гамза устод.

Хиромон келгил, эй сарви равоним,

Кадинг нахлини бисёр айладим ёд.

Мени ул ой висолидин айирдинг,
Алингдин, эй фалак, юз доду фарёд.

Манга хажр ичра, эй гардун, жафо кил-
Ки, бўлдим дарду гам чекмакка мўътод.

Риёзат бирла кўнгилга сафо бер,
Бўлур ойина сайкал бирла фўлод.

Тилар нрлон кўнгул тандин фарогат,
Бу булбулни кафасдин айла озод.

Гар эрса Каъба таъмири мурудинг,
Кўнгул вайронасини айла обод.

Фалак жаври била ул ой фироки,
Манга, эй Нодира, бас мунча бедод.

* * *

Гулу лола мавсумида кани ёри дилнавозим,
Назаримдин ўлди гойиб санами сухан тирозим.

Хама сайди орзудур бу жахон шикоргохе,
Нетайин кўлимдин учти бу махалда шохбозим.

Манга шамъ анжумандек на жунун эрур, на савдо,
Ки ёрутти хажр шоми кеча сўз ила гудозим.

Санга кўп эди мухаббат, кам эди гамингга токат,
Ки тамом бўлди горат талабингда кўпу озим.

Манга орзу висолинг, манга муддао хаёлинг,
Назаримдадур жамолинг хама ноздур ниёзим.

Мадад этса бахт шояд, яна бир юзингни кўрсам,
Кадамингни кўзга сурсам, карам этса корсозим.

Кима айтайин гамимни на илож этай, на чора,
Санга етмади, дариго, кўп эди кўнгулда розим.

Дедим ишк жазбасидин санга Нодира каломе,
Ки, хакикат иктизодур хама нуктаи мажозим.

* * *

Фигонким, гардиши даврон айирди шахсуворимдин,
Гамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсен холи зоримдин.

Губорим ишк водийсида барбод ўлди андогким,
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар губоримдин.

Кизил кондур сиришким, заъфарондур чехраи зардим,
Мени ким кўрса фарк этмас, хазон бирла бахоримдин,

Бузулди рўзгорим, хонаи айшим хароб ўлди,
На рохат кўргамен эмди бузулгон рўзгоримдин.

Биёбонларни излаб топмадим ёрим сўрогини,
Берурман жон, сабо ногаҳ хабар келтурса ёримдин.

Диёрим ахли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар,
Ки мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёримдин.

Гаҳи йиртиб яко, гаҳ кон ютуб, гоҳи фиғон эттим,
Налар ўтди бу ахшом, Нодира, жони фиғоримдин.

МУХАММАС

Келгил, эй нола, санга ох ила имдод килай,
Офият хирманини бир йўли барбод килай,
Мен этиб нолани, тарки раҳи фарёд килай,
Тобакай хажру фирок офатидин дод килай,
Эмди ўзни неча кун сабр ила мўътод килай.

Манга гоҳе хабари моҳи тамомимни десанг,
Ёрга дарду гами субҳ ила шомимни десанг,
Ул паривашка дуо бирла саломимни десанг,
Ёр кўйида башартики паёмимни десанг,
Бу кафасдин сени, эй жон куши, озод килай.

Адлу инсофда Жамшид нажодим сен эдинг,
Фикру андиша, хаёлим била ёдим сен эдинг,
Рост айтай сабаби рушду рашодим сен эдинг,
Эй дилором, бу оламда муродим сен эдинг,
Айлаб оламини фаромуш, сени ёд килай.

Яна бир мартаба гам. шомида моҳимни кўруб,
Хажр дардини десам пушту паноҳимни кўруб,

Раҳми келгайму бу ахволи табохимни кўруб,
Жаврларки манга чарх айлади, шохимни кўруб,
Бош яланг айлаб, инонини тутуб дод килай.

Сокиё, ранжи хумор ўртади, келтур манга май,
Тўлдуруб неча кадахни тутакўр пайдар-пай,
Хажр дарди била хикмат йўлини килдим тай,
Сабрдур дарди дилим чораси, йўкса, токай,
Нотавон жонима бедод уза бедод килай.

* * *

Неча кунларки манга бор эди лутфу караминг,
Сурмаи чашми жахонбин эди гарди кадаминг,
Фарздур эмди манга тавфи дари мухтараминг,
Боглаб ихлос ила эхроми харими хараминг,
Ашкдин рохилау хуни жигарзод килай...

Сарву гул пийрахани сен каби пайдо эрмас,
Сен каби сарв ила гул дилкашу зебо эрмас.
Бу чаман гуллари манзури тамэшо эрмас,
Кўзума кадду гозингдек чаманоро эрмас,
Неча андишаи сарву гулу шамшод килай.

Васл базми аро жоми майи саршор кани,
Зулм ила мендин айирди фалаки сифла сани,
Порадур гул каби эгнимда жунун пирахани,
Оташи дарду фиरोку шарари хажр мани
Ўртади, кайси бирини санга бунёд килай?

Қошки уйкуда бир кўрсам эди ёримни,
Йигласам билгай эди холи дили зоримни,
Дард ахли ўкусун, Нодира, гуфторимни,
Ёзибон кўкда куюш лавхина ашъоримни
Насхи машини калами Монию Бехзод килай.

ТАРЖЕЪБАНД

ФИРОКНОМА

Ох ким, беҳад манга жавру жафо айлар фалак,
Фуркат ичра қисматим дарду бало айлар фалак,
Ёрдин айру манго кўп можаро айлар фалак,
Гам била гулдек юзумни қахрабо айлар фалак,
Бевафодур оқибат кимга вафо айлар фалак,

Хасрату дарду аламга мубтало айлар фалак,
Ёрнинг албатта ёридин жудо айлар фалак,
Гул била булбулни бебаргу наво айлар фалак,
Хеч ким, ё раб, жахонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортук меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Сабр килсам ишк дарди бекарор айлар мени,
Касби хуш этсам, жунун беихтиёр айлар мени,
Дам-бадам фарёдим элдин шармисор айлар мени,
Хажр доғи дардманду дилфигор айлар мени,
Ўйлаким, жаври фалак зору низор айлар мени,
Ёрсиз хижрон балосига дучор айлар мени,
Чархи дун тоқай фирок илгида зор айлар мени,
Окибат бу дарду гам мажнун шиор айлар мени,
Хеч ким, ё раб, жахонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортук меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Ёрдин айру кўнгулдур тийрау ошуфта хол,
Офтобим неча кун бўлдики кўргузмас жамол,
Фуркат ичра бадри тобон заъфидин бўлди хилол,
Гам юки охир алифдек коматимни килди дол,
Эй хуш ул соатки эрдим махрами базми висол,
Дарди хижрон ибтилосин айламас эрдим хаёл,
Ул замон эрди бу нуксонлар манга айни камол,
Борди ул сарви равон, мён кблмиШам беҳушу лол,
Хечким, ё раб, жахонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортук меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Кайдасен, ёрим, сўрогингда кўнгул оворадур,
Кечалар то субҳ ашким кавкаби сайёрадур,
Сарви каддингга кўзум муштоки бир наззародур,
Пира золи чархким ошиккушу маккорадур,
Жаври зулмидин юракда бенихоят ёрадур,
Эмдиким сабр айламакдин жайби токат порадура,
Йигламай найлайки, гам жонимни ўртаб борадура,
Чора топмай дардига бу нотавон бечорадура,
Хечким, ё раб, жахонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортик меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Нола килдим, ёрнинг васли муяссар бўлмади,
Толеим рахбарлиг айлаб, бахт ёвар бўлмади.
Васл сори давлату икбол рахбар бўлмади,
Кўзларим меҳри жамолидин мунаввар бўлмади,
Манга хамдам бир кун ул хуршид манзар бўлмади,
Бир нафас дийдордин жон бахрапарвар бўлмади,
Кимдир ул ким келди дунёга мукаддар бўлмади,

Хажр дардидин паришонхолу абтар бўлмади,
Хечким, ё раб, жахонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортик меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Эй муганний, нагмасоз эт Ноди́ра гуфгоридин,
Ким, келур бўйи вафо ушшок аро ашъоридин,
Риштаи жэнимга пайванд айла созинг торидин,
Килмасунму нола, айрилди вафолиг ёридин,
Тошни сув килди таъсири фиғону зоридин,
Ногахон бир ох агар чекса дили афгоридин,
Чарх бунёдини хокистар килур осоридин,
Бўлмасун махрум ошик ёрнинг дийдоридин,
Хечким, ё раб, жахонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортик меҳрибон дилдоридин айрилмасун.